

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг очиқ суд мажлиси Қўшработ туман “Булоқбоши” маҳалласи биносида бўлиб, раислик этувчи судья И.Хамидов, судья ёрдамчиси Ж.Уктамовнинг котиблигида, томонлардан Қўшработ туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Мамиров, судланувчи Ф.Холмаматов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Эшназаров, жабрланувчи Ш.Тўғиловларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланиб судга берилган Холмаматов Фирдавс Садулла ўғлига нисбатан 1-1408-2602/2-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Холмаматов Фирдавс Садулла ўғли (Xolmamatov Firdavs Sadulla o'g'li), 2004 йил 25 февраль куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 20 декабрь куни олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокараларини ҳамда судланувчини охирги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишдаги мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Холмаматов Фирдавс Садулла ўғли фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, ўзига тегишли бўлган “Iphone 14 Pro Max” русумли телефон ускунасидан фойдаланиб, ўзининг +99894-334-01-01 рақамига “Telegram” мессенджерини очиб, мазкур ижтимоий тармоғида мавжуд бўлган “Espada” номли каналга, гуёки “Mobil Legends Bang Bang” онлайн ўйинидаги “SXF” аккаунтини сотиши ҳақида ёлғон хабар қолдириб, шу эълон асосида унга 2025 йил 29 октябрь куни мурожаат қилган Тўғилов Шаҳзод Сайит ўғлига ушбу ўйинни логин ва паролни олиши учун 500.000 сўм миқдорида тўлов қилиши лозимлигини айтиб, Ш.Тўғиловдан 400.000 сўм миқдоридаги пул маблағини ўзига тегишли бўлган 5614 6828 1808 3935 рақамли банк пластик картаси ташлатиб олишга эришиб, берган ваъдасини бажармасдан, қўлга киритган пул маблағини ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборган.



Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Холмаматов Фирдавс Садулла ўғли ўзининг кўрсатувида айбига қирорлик билдириб, у ҳақиқатан ҳам 2025 йил давомида “Iphone 14 Pro Max” русумли телефон ускунасини ишлатиб келганини, унда +99894-334-01-01 рақамига “Telegram” мессенджериди “Фирдавс” номли профил очиб, ушбу профилдан мунтаззам равишда ўзи фойдаланиб келганини, 2025 йил бошларидан буён интернет тармоғида “Mobil Legends Bang Bang” номли онлайн ўйин ўйнаб келишини, мазкур виртуал ўйинда 2 та жамоа бир-бирига қарши уруш олиб боришини, бир жамоада 5та қахрамон бўлиб, ушбу ўйинни ўйнаётган шахс 120 та қахрамондан бирини танлаб, шу қахрамонни қобилиятларидан фойдаланиб, душманга қарши уруш олиб боришини, ҳар бир ўйинга кирмоқчи бўлган шахс, ўзининг логин ва пароли орқали кириб ушбу ўйинни ўйнашини, ўйинни қанча кўп ўйнаса қахрамонларни қобилиятлари ҳам кўпайиб боришини, “Telegram” ижтимоий тармоғида “Espada” номли канал мавжуд бўлиб, ушбу гуруҳда асосан “Mobil Legends Bang Bang” номли онлайн ўйин ўйнаб келадиган шахслар аъзо бўлиб, ушбу ўйин тўғрисида, ўйиндаги янгиликлар ва шу қабила тўғрисида маълумот алмашишини, у ушбу ўйинни мунтаззам равишда ўйнаб келганлиги сабабли уни akkaунтини “Level”, яъни ўйин босқичи юқори бўлганлиги сабабли ушбу ўйинни ўйнайдиганларни орасида уни akkaунтини обрўси юқори бўлганини, 2025 йил 28 октябрь куни у “Mobil Legends Bang Bang” онлайн ўйинидаги akkaунтини сотиши ҳақида “Espada” номли телеграмм каналида эълон қолдирганини, шунда кейинчалик таниган Тўғилов Шаҳзод унга ўйин akkaунтини сотиб олмоқчи эканлиги ҳақида ёзганини, у билан ўзининг akkaунтини 500.000 сўмга савдолашиб, унга тўлов қилиши учун ўзига тегишли бўлган 5614 6828 1808 3935 рақамли пластик карта рақамини ташлаб берганини, ишончли бўлиши учун телеграмм профлига ўзининг ID-картасини расмини ва +94-334-01-01 рақамини ташлаб берганини, 2025 йил 29 октябрь куни соат 18:20 ларда Ш.Тўғилов унга 400.000 сўм миқдордаги пулни пластик картасига ўтказиб берганини, шундан кейин унинг ўйин akkaунти блокраниб қолганлиги сабабли унга ўйин akkaунти логин ва паролни ташлаб бераолмаганлигини, кейин Ш.Тўғилов уни безовта қилмаслиги учун унинг телеграмм профилини блокраниб қўйганлигини, ҳозирги кунда қилмишининг оқибатларини тушуниб етганини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ ўзига тўлаб берганини, унинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беоришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Тўғилов Шаҳзод Сайит ўғли ўзининг кўрсатувида, у ҳақиқатан ҳам 2025 йил давомида Redmi-13 русумли телефон ускунасини ишлатиб келганини, ушбу телефонга +99893-046-41-31 рақамли сим-карта уланган бўлиб, ўзини телеграмм профилини шу рақамга очганлигини, 2025 йил 29 октябрь куни “Telegram” ижтимоий тармоғида “Mobil Legends Bang Bang” номли ўйин akkaунти сотилиши ҳақида эълонни кўриб, ушбу akkaунтни сотмоқчи бўлган



кейинчалик таниган Холмаматов Фирдавснинг “Фирдавс” номли профилига “Mobil Legends” номли ўйинидаги унинг “SXF” akkaунтини сотиб олмоқчи эканлигини ёзганини, шу тариқа улар ёзишиб ўйин akkaунтини 500.000 сўмга сотиб олишга келишганини, шунда уни алдаб кетмаслигини билиш мақсадида унга ўзини фуқаролик паспортини нусхасини ташлаб беришини ҳамда у билан мулоқотда бўлиши учун телефон рақамини ҳам айтишини сўраганида у уни телеграмм профилига ўзини AD 1375727 рақамли ID-картасини ва ўзининг +99894-334-01-01 рақамини ташлаб берганлигини, суҳбат давомида Ф.Холмаматов унга ўзининг номида бўлган 5614 6828 1808 3935 рақамли карта рақамини ҳам берганини, келишувга кўра дастлаб 400.000 сўмини, akkaунтни қўлга киритганидан сўнг қолган 100.000 сўмни тўлаши лозим бўлганлигини, шундан кейин у 2025 йил 29 октябрь куни соат 18.20 ларада Ф.Холмаматовнинг карта рақамига 400.000 сўм миқдоридagi пулни маҳалласида жойлашган “Пайнет” шаҳобчасидан ўтказиб, тўловни амалга оширганлигини тасдиқловчи квитанцияни расмини Ф.Холмаматовнинг профилига ташлаб берганини, шундан кейин Ф.Холмаматов ваъдасини бажармасдан уни профилини блоклаб қўйганини, шунда у алданганини билан 2025 йил 30 октябрь куни вилоят ИИБнинг “102” рақамига мурожаат қилганлигини, ҳозирги кунда судланувчи Ф.Холмаматов етказилган моддий зарарни тўлиқ унинг ўзига тўлаб берганини, бошқа даъвоси йўқлигини, бироқ унга нисбатан қонун доирасида жазо қўллашни билдириб баёнот берди.

Судланувчи Ф.Холмаматовнинг юқорида баён қилинган айби судда сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларидан ташқари қуйидаги суриштирув ва тергов ҳужжатлари, яъни

-жабрланувчи Ш.Тўғиловнинг мурожаати ва тушунтириш хати (ишнинг 7-8-бетлари);

-тўлов квитанцияси ва ёзишмалар нусхаси (ишнинг 9-10-бетлари);

-кўздан кечириш ва далилий ашё сифатида олиш тўғрисидаги баённомалар (ишнинг 15-33-бетлари) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Суд, судланувчи Ф.Холмаматовнинг жиноий қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” бандида, фирибгарлик ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 22-бандида, ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва ш.к.ларда бўлган мулкни



алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари, алоқа воситаси, планшет ёки бошқа шу каби техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орақли амалга ошириладиган талон-торож тушунилиши, бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчвиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, компьютер тизимида ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатларида тўпланган ва судда муҳокама қилинган далилларга кўра, судланувчи Ф.Холмаматов ўзганинг мулкни ёки молия, банк муассасалари, фондлар ва ш.к.ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари, алоқа воситаси, планшет ёки бошқа шу каби техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орақли қўлга киритиб талон-торож қилганлиги ўз тасдиғини топмаган.

Қонун мазмунига кўра, ижтимоий тармоқлар орақли ўзганинг ишончига кириш ёки уни алдаш фирибгарлик жиноятининг усули сифатида баҳоланади.

Шу маънода суд, судланувчи Ф.Холмаматовнинг жиноий қилмишида айбловнинг ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш квалификация белгиси мавжуд эмас деган қатъий фикрга келиб, унинг айбловини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” бандидан, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи Ф.Холмаматовнинг жиноий қилмишини қасддан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан моддий даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғараз ниятда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

-18-бандида, ахлоқ тузатиш ишлари меҳнатга лаёқатли шахсга нисбатан у содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда уни жамиятдан ажратиш зарурати бўлмаганда тайинланиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Ф.Холмаматовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда юқоридаги қонун талаби ва Пленум қарорида берилган тушунтиришларга амал қилиб, унинг шахсини, яъни муқаддам судланмаганини, ўз айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан моддий даъвоси йўқлигини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам хулқини назорат қилиш йўли орқали қайта тарбиялаш имкониятлари мавжуд деган қатъий фикрга келиб, у айбли деб топилган қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

-жабрланувчи Ш.Тўғиловга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплаб берганлигини ва иш бўйича ёзма ашёвий далилларни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлигини эътироф этишни;

-ашёвий далил тариқасида олинган ва иш ҳужжатларига қўшилган 1 дона “Iphone 14 Pro Max” русумли телефон ускунасини давлат даромади ҳисобига мусодара қилишни, 1 дона пластик картасини судланувчи Ф.Холмаматовга қайтариб беришни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддалари тартибида

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Холмаматов Фирдавс Садулла ўғли (Xolmamatov Firdavs Sadulla o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Холмаматов Фирдавс Садулла ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Тайинланган жазо, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин ва жазони ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган ташкилот, корхона, муассасаларда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Қашқадарё вилояти Кўкдала туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Ф.Холмаматовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Ш.Тўғиловга етказилган зарарлар қопланганлиги ва иш бўйича ёзма ашёвий далилларни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги эътироф этилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган ва иш ҳужжатларига қўшилган 1 дона “Iphone 14 Pro Max” русумли телефон ускунаси давлат даромади ҳисобига мусодара қилинсин;

-1 дона банк пластик картаси судланувчи Ф.Холмаматовга қайтариб берилсин

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида, шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш, прокурор протест билдириш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Раислик этувчи судя

И.Хамидов

